

Туман ҳокимлиги матбуот хизмати хабарлари

## УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



Бўстон тумани ҳокими ва сектор раҳбарлари Дўстлик МФЙда жойлашган кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар муаммоларини бирма-бир тинглаб, уларни бартараф этиш чораларини кўрди. Мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Қолган мурожаатлар муддат талаб эт-



ганлиги боис мутасадди ташкилот раҳбарларига ҳал этиш бўйича йўналтирилди.

Шунингдек, бундай уршувлар Гузар маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди. Фуқаролар билан суҳбат асосида уларнинг мууро-ларимизга елкама-елка кўмакдош бўлиб ёрдамга шайланганлар. Ўз навбатида отахон ва онахонларнинг ушбу ташаббуси туман ҳокимлиги томонидан муносиб эътироф этилиб, уларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Б. НАЗИРОВ,**  
матбуот хизмати раҳбари.

## САҲОВАТДАН ДАРОМАДГА



Бўстон туманининг чекка ҳудуди ҳисобланган "Янги қишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг даромадини ошириш мақсадида "Барқарор йўллар 2002" МЧЖ томонидан мингга яқин қора товук тарқатилди. Маҳалла аҳли бу хайрли ишлардан мамнун ҳолда ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.



## ПАХТАКОРГА МАДАДКОРЛАР

Нуронийларимиз ҳам пахта йиғим теримида фаол қатнашиб, туман хирмониға ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Айни дамда улар "Шоҳинур- 2020" фермер хўжалиги пахта даласида пахтакорларимизга елкама-елка кўмакдош бўлиб ёрдамга шайланганлар. Ўз навбатида отахон ва онахонларнинг ушбу ташаббуси туман ҳокимлиги томонидан муносиб эътироф этилиб, уларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**И. ЭГАМБЕРДИЕВ.**



## КИТОБ - ИНСОН ҚАЛБИНИ ЁРИТУВЧИ ОФТОБ

*Инсон учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқ. Унинг бағрида барча илму билим сиру синаот мужассам. Кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб турувчи, маънавий озуқа берувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи китобнинг аҳамияти улкан ва беқиёс. Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолди етказди.*



Халқимиз азалдан китобга ўзгача меҳр ва муҳаббат боғлаган, китобхонликни кундалик ҳаётидаги муҳим юмушлардан бири сифатида қадрлаб келган. Шу боис аждодларимиз ичида жаҳон халқларининг эътирому эътирофига сазо-

вар буюк даҳолар етишиб чиққан. Ҳозирда ҳам халқимиз ва ҳукумати- миз томонидан китобнинг инсон ҳаётидаги ўрнига алоҳида аҳамият қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, туманимизда бу борада ижобий ишларни куза-

тиш мумкин.

Туман ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси ва Халқ таълими бўлими ҳамкорликда тумандаги З.М.Бобур номили болалар истирохат боғида "Китоб-инсон қалбини ёритувчи оф-

тоб" шиори остида китоб акцияси ўтказилди. Китоб акциясида ўқишга чанқоқ ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари томонидан 317 та бадий ва адабий китоблар харид қилинди.

Мазкур тадбирдан асосий мақсад китобхонлик ва мутолаа маданиятини кенг тарғиб қилиш, туманимиз аҳлининг китобга бўлган меҳрини ошириш, уларни маънавий баркамоллик сари руҳлантиришга эришишдир.

**Наргиза ОРИПОВА,**  
**Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси раҳбари.**

## ТАДБИРЛАРГА КЕНГ ЎРИН БЕРИЛМОҚДА



Яна санқли қунлардан сўнг юртимизда "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" кенг нишонланади, Устозларимизнинг машаққатли, шу билан бирга шарафли меҳнатлари муносиб эътироф этилади. Шу боис ҳозирда жойларда байрамга тайёргарлик ишлари авжида. Бизнинг 17-умумтаълим мактабида ҳам мазкур санага тайёргалик аллақачон бошлаб юборилган.

Мактабда фаолият кўрсатётган ижодий тўғарақлар аъзолари ўзлари тайёрлаган бадий дастурлари билан мактабда уларга таълим бераётган устозларига ўз миннатдорчиликларни изҳор

этишга астойдил киришганлар. Уларнинг ҳар бир чиқишида устозларга нисбатан меҳр-эҳтиром нафаси сезилиб туради. Куни кеча мактабимизда ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда 5-синф ўқувчилари Муниса Маҳмуджоновна, Садоқат Аҳмаджоновна, Шердорбек Алибоев, 9-синф ўқувчиси Иброҳим Усмоновлар ўзлари тайёрлаган бадий композицион дастур билан тадбир иштирокчиларга шавқу завқ улашдилар.

**О. СУЛАЙМОНОВ,**  
**17-умумтаълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.**

## ҚОНУНЧИЛИГИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни (25.08.2021 й., УРҚ-711-сон) билан қонунчилигимизга бир қатор янгиликлар киритилди. Хусусан, мазкур қонун билан 7 та кодекс ҳамда 5 та қонундан ўзига хос ўзгартириш ва қўшимчалар ўрин олди.**

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра Жиноят кодексида:

а) ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик, яъни уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келган ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноққа солганлик ёхуд азоб берганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди;

б) кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳаракатлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Жумладан:

- таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситаларининг ноқонуний муомаласи учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланди;

- таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситаларининг кўп бўлмаган миқдорда ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолда ноқонуний муомаласи учун 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси белгиланди;

- кучли таъсир қилувчи моддаларнинг, шу жумладан таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларининг ноқонуний муомаласидаги "кўп миқдор" тушунчасини аниқлаш бўйича ягона амалиётни шакллантириш учун ушбу миқдор унинг ҳажмига қараб тегишли давлат органи томонидан белгиланиши назарда тутилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса ўсимлик дунёси объектларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларини бузганлик, озон қатламига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олишга доир талабларни бузганлик ва бошқа ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилди.

**Ш.Қ.УСМОНОВ,**  
**Андижон вилоят прокурату-  
раси иқтисодий соҳада  
қонунчилик ижроси устидан  
назорат бўлим прокурори  
адлия маслаҳатчиси.**

## ФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ЖАРАЁНИНИ СОДАЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги "Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5102-сонли қарорига мувофиқ,**

а) 2022 йил 1 январдан бошлаб:

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан молиялаштирилган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни тўлаш ҳар уч йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида ўтказиладиган тендер асосида танланган тижорат банки ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бунда, тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ пенсия ва нафақаларни нақд пулда маҳалла фуқаролар йиғинларига, фуқароларнинг яшаш манзилларига етказиб бериш мажбурияти юклатилади;

танловда иштирок этадиган тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан пенсия ва нафақаларни маҳалла фуқаролар йиғини биноси ёки фуқаронинг яшаш манзилига етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб, хизмат ҳақи дифференциялашган тартибда пенсия ва нафақалар тўланадиган (етказиб берилган) сумманинг 1 фоизгача миқдорда бў-

лиши мумкин. Бунда, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар Пенсия жамғармаси ва республика бюджетига томонидан тўлаб берилади;

б) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меҳнат стажы, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бунда, пенсияга чиқиш ҳуқуқи пайдо бўлган чоғида ишламайдиган фуқароларга ўзларининг меҳнат дафтарчаларидаги меҳнат стажы тўғрисидаги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш орқали "Ягона меҳнат миллий тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритиш хизмати жорий этилади;

давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади. Бунда, меҳнат стажы, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатлар Пенсия жамғармаси томонидан ЯММТ ИДАКдан фойдаланган ҳолда электрон маълумотлар алмашинуви асосида олинади;

давлат пенсияларини тайинлаш учун фуқаролардан фақат паспорт ёки идентификация ID-картаси талаб этилади.

**Ш. ТҶАҚУЛОВ,**  
**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи.**

**Маълумки, мамлакатимизда Сайлов кодекси қабул қилинганга қадар сайлов қонунчилиги 5 та қонун билан тартибга солинган эди. Бу эса ҳуқуқни қўллашда бир қатор мураккабликлар келиб чиқишига сабаб бўларди. Бундан ташқари, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-тамоийллари ва қондаларининг кўпчилиги қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари билан тартибга солиниб келинган. Сайлов кодекси қабул қилиниши билан бундай камчиликларга барҳам берилди.**

## ЯНГИЛИКЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сайлов қонунчилиги мунтазам равишда замон талаблари асосида такомиллашиб бормоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг "Овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш" боби 50-моддасининг 1-қисми 6-олтинчи хатбоси билан тўлдирилди, унга кўра, участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларни, хоналарни ва овоз бериш хоналарни жиҳозлашга доир талабларда сайлов қутилари ҳам бўлиши лозимлиги тартиби белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказиш тартиби жорий этилди.

Қолаверса, мазкур Кодексда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда мuddатидан олдин овоз бериш сайловчилар турган жойида ўтказилиши, чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилиши ва бу ҳақда сайловчиларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этиши, сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида ўтказилиши, овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси аъзолари кўча овоз бериш қўтисини очиши, унинг ичидagi сайлов бюллетенларини санамасдан махсус қопга жойлаш, қопни сургучлаш ва бу ҳақда далолатнома тузиши, сайлов бюллетенлари солинган қоп сургучланган ҳолда далолатнома билан бирга сайлов участкасига олиб борилиб ва сайлов куни овозларини санаб чиқиш жараёни бошланганга қадар сақланиши каби тартиблар билан тўлдирилди.

57-модданинг 2-қисмидаги тегишли округ сайлов комиссияси деган сўзлар Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари деган сўзлар билан алмаштирилди.

57-модданинг бешинчи қисмидаги "Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади", деб белгиланган нормасидан овоз берувчининг имзоси билан тасдиқлаш тўғрисидаги тартиб чиқариб юборилди.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллашда бир қатор қулайликлар яратди, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-тамоийллари ва қондаларини тўла қонунийлик, демократик ва шаффоф ўтказишда муҳим ҳуқуқий асос

вазифасини баҳаради.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 512 - 519-моддаларидан иборта бўлган V1 боби "Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" нормалари билан тартибга солинишини, сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-147-моддалари билан тартибга солинади.

Ўз навбатида Сайлов кодекси Халқаро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келади. Жумладан, Халқаро сайлов стандартлари шу соҳага дахлдор миллий қонунчилик ҳужжатларини унификациялаш, яъни бир хиллаштиришнинг асосий омили ҳисобланади. У сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини амалиётга одилона ва холисона татбиқ этишни, фуқароларнинг сайловларда очик-ошқора иштирок этишларига эришиш ва сайлов жараёнларини ташкиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишни тақозо этади.

Халқаро сайлов стандартларининг ўзига хос жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, халқаро сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёнига доир бу стандартлар давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ёки фуқароларнинг хоҳиш-иродасини билдиришни таъминлаш орқали амалга оширилади;

иккинчидан, халқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни, уларни ҳимоялашни. кўнпартивийлик ва мафқуралар хилма-хиллигини, сайловни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги ва жадал ривожланишини, демократик сайлов жараёнларини таъминлашнинг асосий шартлари саналади;

учинчидан, ушбу стандартлар сайлов органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан овоз беришни ташкиллаштириш ва овозларни санаб. сайлов жараёни иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг мавжудлиги ва самарали ишлаши, овоз бериш яқунлари ва сайлов натижалари устидан судга ҳамда бошқа ваколатли органларга шикоят қилиш, сайлов натижаларини эълон қилишдек муҳим жиҳатларни одилона халқаро кузатув орқали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги ўн йилликларда соҳага оид қатор муҳим халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Улар муштарак ҳолда халқаро сайлов стандартларини ташкил этади. Ҳозирги вақтда бу стандартларда олға сурилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини ҳисобга олмай туриб, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва сайловларни муваффақиятли ўтказиш мумкин эмас.

**М. РУЗИМАТОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича туман суди раиси.**



## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Сийсий партиянинг аъзолари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлиши мумкинми?»**

«Сийсий партияларнинг аъзолари округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**«Участка сайлов комиссияси аъзоларининг қанчаси битта ташкилот вакиллари бўлиши мумкин?»**

«Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мум-

кин эмас. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари бундан мустасно, яъни ушбу қоида татбиқ қилинмайди.

**«Сайлов комиссияларининг мажлисларида кимлар қатнашиши мумкин?»**

«Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошқора амалга оширади. Сайлов комиссиясининг мажлисларида сийсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

**«Сайлов комиссияларининг**

**қарорлари устидан шикоят қилиш мумкинми?»**

«Ҳа, мумкин. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиш мумкин.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

**«Участка сайлов комиссияси овоз бериш кунини қандай фаолиятни амалга оширади?»**

«Овоз бериш кунини сайлов участкасида соат 8.00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ян-

**24** O'ZBEKISTON  
PREZIDENTI  
OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

райди. Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида:

- овоз бериш бошланганлигини эълон қилади;

- сайлов қутиларининг бўшлигини текширади ва уларни бир мартаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади;

- участкадаги рўйхат бўйича сайловчиларнинг сони, олинган сайлов бюллетенлари сони ҳамда мuddатидан олдин овоз берганлар ҳақида маълум қилади. Ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади;

- овоз бериш тугалланганлигини эълон қилади.

## БАРЧАСИ ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ УЧУН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июнда "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" ги ПҚ-5152-сон қарорини қабул қилинди. Қуйида мазкур қарор мазмун-моҳияти юзасидан саволларимизга Андижон вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Охунжон Тожиралиевнинг жавобларини эътиборингизга хавола этамиз:**

**Савол:** Мазкур қарор билан қандай ишлар амалга оширилиши назарда тутилган?

**Жавоб:** Мазкур қарор билан 2022-2025 йилларда кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича режа кўрсаткичлари, кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш бўйича режа кўрсаткичлари ҳамда республика бўйича эксплуатация мuddатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган кўп квартирали уй-жойларни инструментал ўрганиш ва реновация қилиш бўйича режа кўрсаткичлари тасдиқланди.

Бунда кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш смета қийматининг 30 фоизи мулкдорлар ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур маблағлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривозлантириш жамғармасида кўп квартирали уй-жойларни таъмирлашни молиялаштириш учун очиладиган махсус ҳисобварағида шакллантирилади.

Қолган 70 фоиз маблағлар тенг улушларда республика бюджети ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик томонидан кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш чора-тадбирларини амалга ошириш учун 100 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган.

**Савол:** Қарорда белгиланган кўп квартирали уй-жойларни бошқаришнинг янги усули қандай тартибда амалга оширилади?

**Жавоб:** Қарорга кўра, 2022 йил 1 июлгача республикадаги 1 227 та кўп квартирали уй-жой, 30 та мактаб, 64 та мактабгача таълим ташкилотлари, 9 та олий таълим муассасалари ва коллежлар, 90 та автотурагоҳ ва 173 та болалар майдончалари жойлашган ҳудудлар очик танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктирилади.

Бунда, барча давлат буюртмачиларига танланган бошқарувчи ташкилот билан бириктирилган ҳудудда истисно тариқасида танлов ўтказмасдан коммунал ва авария вазиятларини бартараф этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат этилади.

Бошқарувчилар бир йилда бир марта кўп квартирали уй-жойлардаги таянч ва тўсиқ конструкциялар (умумий мол-мулк) бутлигини хатловдан ўтказиши.

Бундан ташқари, 2022-2025 йилларда 085 та кўп квартирали уй-жойлар мукамал ва жорий таъмирланади. 1 800 та болалар майдончаси қурилади ва таъмирланади, кўп квартирали уй-жойларга туташ 1 млн 102 минг кв. м майдондаги йўлаклар бетонланади, 14 387 та ташқи ёритиш тизими таъмирланади.

Шунингдек, эксплуатация мuddатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган жами 268 та кўп квартирали уй-жойлар реновация қилинади. Шундан 2021 йилда 211 та уйлар бузиб қайта тикланади, 57 таси реконструкция қилинади.

Қарорга кўра, мулкдорлар ёки бошқарувчиларга кўп квартирали уй-жойларга туташ ер участкалари чегаралари ва ўлчамларини белгилаш ҳамда уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгиланган зарур ҳужжатларни расмийлаштириш учун тўловларни бир йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади.

**Савол:** Қарор билан қандай янги хизматлар жорий этилади?

**Жавоб:** 2021 йил 1 августгача лойиҳа доирасида бириктирилган ҳудудлар, 2022 йил 1 январга қадар эса бутун республика ҳудудларида кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш жараёнига

уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулк кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизими жорий қилинади.

2021 йил 1 октябргача кўп квартирали уй-жойларни бошқарувчиларнинг электрон реестри ишга туширилади.

2022 йил 1 январдан мулкдорларнинг бошқарувчи олдида қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, унинг миқдори уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштиришда нотариал идоралар томонидан тегишли шартномада акс эттирилади ва янги мулкдор ушбу қарздорлик ҳақида огоҳлантирилади.

**Савол:** Қарорда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга имтиёзлар бериш кўзда тутилганми?

**Жавоб:** Қарорда кўп квартирали уй-жойларда яшовчи, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мажбурий бадални тўлаб бериш учун "Темир дафтар"-га дафтарга киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари, "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади.

**Туман адлия бўлими томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, улар томонидан кўтарилган муаммо ва эйтирозларни атрофлича ўрганиш чиқиш ва амалий ёрдам бериш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

## МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Хусусан, "Дўстлик" МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 150-уйда яшовчи фуқаро Я.Т 2010 йил 21 март куни туғилган фарзандига туғилганлик гувоҳномасини олишда амалий ёрдам беришликни сўраб қилган мурожаати бўлимо томонидан ўрганиб чиқилди. Мазкур мурожаатни ўрганиш давомида Андижон вилоят перинатал маркази ва Бўстон туман ФХДЭ бўлимларига фуқаро Я.Т нинг 2010 йил 21 март куни туғилган фарзандининг туғилиши қайд этилган ёки этилмаганлиги ҳолати юзасидан сўров хати юборилиб, унга кўра Андижон вилоят перинатал марказининг 1-доялик бўлимининг туғруқларни қайд қилиш журналида бу нарса қайд қилинганлиги маълум бўлди. Ушбу маълумотга асосан жорий йилнинг 23 июль куни Бўстон туман ФХДЭ бўлими томонидан фуқаро Я.Т нинг 11 ёшли фарзанди Ш.Т га туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилиб, фуқаронинг мурожаати тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, 2021 йил 30 июль куни "Тоza ҳудуд" ДУК туман филиалида ишловчи 23 нафар ишчи ходимларга "Андижон вилояти Тоza ҳудуд" ДУК томонидан ойлик иш ҳақилари тўланмай келинаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризалари ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди. Мурожаатни ўрганиш жараёнида аниқланишича, "Андижон вилояти Тоza ҳудуд" ДУК томонидан жорий йилнинг 15 июль кунига қадар филиалдаги 23 нафар фуқаролар меҳнат фаолияти учун ҳисобланган жами 64.033.637 сўм ойлик иш ҳақи ўрганиш кунига қадар тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Бўлим томонидан мазкур мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 154, 161-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори талабларига кўра аниқланган ҳолатлар юзасидан иш ҳақларни жавобгар ҳисобидан ундиришда ва ишчи ходимларнинг манфаатларини қўллаб қувватлаш ишлари бўйича Бўстон туманлараро судига суд буйруғини чиқаришларини сўраб аризалар киритилиши таъминланди.

Натижада жорий йилнинг 23 июль куни фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро суди томонидан барча аризалар кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди ҳамда иш ҳақини ундириш ҳақидаги суд буйруқлар ижрога қаратилди.

Ҳозирда бўлимимиз томонидан бундай хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

**А. РАУПОВ,**  
туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

## Б уни ҳамма билиши керак!

### ТИББИЙ НИҚОБНИ ҚАНДАЙ ВА ҚАЧОН ТАҚИШ КЕРАК?

Тиббий ниқоблар - бу "тўсиқ" химоя тури. Ниқобнинг вазифаси йўталганда, аксирганда вируслар бўлиши мумкин бўлган намлик ёки томчиларини ушлаб қолишдан иборат ва ҳаво томчилари орқали юқадиган бошқа нафас олиш касалликларининг кўзгатувчиларидан химоя қилишдир. Аммо ниқоб барча касалликлар учун даво эмаслигини ва олдини олишнинг ягона воситаси бўлмаслигини тушуниш му-

ҳимдир. Ниқоблар фақат олдини олишнинг бошқа усуллари билан самарали (контракти олдини олиш, қўлларни тез-тез ювиш, нарсаларни зарарсизлантириш). Ниқоб йўталаётган ёки аксирётган одамнинг зарарини ушлаб туради. Шундай қилиб, вирусли зарралар ҳавога сезиларли даражада камроқ қиради ва бошқалар учун инфекция хавфи камаяди. Муҳим нуқта шундаки, доимий фойдаланишдан 2-3



соат ўтган, ниқобни ўзгартириш керак.

Ниқобни жарима тўламаслик учун эмас, саломаликни ва яқинларингизни балодан сақлаш учун тақинг!

### ҚўЛЛАРНИ ДОИМИЙ ЮВИБ ЮРИШ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ!

"Қўлларни совунлаб ювиш вируснинг ташқи мембранасини бузади ва шу билан уни зарарсизлантиради. Тадқиқотнинг кўрсатишича, қўлларни мунтазам равишда совунлаб ювиш COVID-19 билан касалланиш эҳтимолини 36 фоизга камайитириши мумкин", дейилади "Роспотребнадзор" хабариди. Шунингдек, қўлларни совунлаб ювиш бо-

шқа юкумли касалликлардан, масалан, вабо, Эбола, атипик пневмония ва гепатит Е дан химоя



қилишга ёрдам бериши таъкидланган.

Шахсий химоя воситаларини ишлатишдан

олдин ва кейин, кўчадан келганда, овқат тайёрлаш ва ейишдан олдин, шунингдек, ҳожатхонага ва жамоат жойларига ташриф буюргандан сўнг; аксиргандан, беморни парвариш қилгандан, тагликни алмаштиргандан кейин, хонани тозалагандан, ҳайвонлар билан мулоқотдан сўнг, ухлашдан олдин ва қўллар ифлосланган бошқа ҳолларда уни ювиш керак.

### АГАР КОРОНАВИРУС АЛОМАТЛАРИ ПАЙДО БЎЛСА, ТАРҚАТМАСЛИК УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК БЎЛАДИ?

Агар вирус тарқаган ҳудудга сафар қилиб қайтсангиз ёки бу ҳудуддан келганлар, вирусга чалинганлар билан яқиндан гаплашган, бир хонада қолган бўлсангиз ўзингизни ихота қилганингиз маъқул.

Мабодо вирусга чалинган одам билан 15 дақиқа 2 метр масофада

қоласиз. - Мактабга, ўқишга ёки ишга бормасиз. - Жамоат транспортдан ёки таскидан фойдаланмангиз. Сиз турадиган хона яши ҳаво алмашадиган, аммо бошқалар яшайдиган хоналардан узоқроқда бўлиши керак.

Бозор-ўчар қилиш керак бўлса, табиийки, сочиқ, санитария асбоблари ёки бошқа уй жиҳозларини бира яшайдиган инсонлар билан бўлишиб ишлатманг. Агар бунинг ҳам имкони оз бўлса, масалан, умумий ҳожатхона ишлатилмаган бўлса, унда албатта, вирус юқтирган шахс охириги бўлиб фойдаланиши ва ундан кейин ювиши хонаси ёки ҳожатхона обдон тозаланиши керак.

Улар сизга бозорликни ёки дори-дармонни олиб келиб беришлари мумкин. Аммо уйингиз ёки хонангиз эшиги остидан қолдиришлари шарт. Шифокорларга кўра, сизни кўришга келмаганлари маъқул. Меҳмондорчилик хатарсиз эмас.

**Мен яшаётган уйда бошқалар ҳам бўлса-чи?**

Агар оилда ёки дўстларингиз билан бир уйда яшасангиз, унда умумий ошхонадан фойдаланмаганингиз маъқул. Айниқса, бошқалар ҳам бу ош-

хонада бўлишса. Ҳеч қим бўлмаганида ошхонадан фойдалансангиз, сиздан кейин овқат пишириладиган хона санитария-кимёвий суюқликлар билан тозаланиши керак.

Албатта, айрим ҳолларда ўзингизни тўла ажратиб яшашингизнинг имкони бўлмайди.

Бунақа ҳолатларда яқинларингиз ёки дўстларингиз билан бир хонада бўлиш ёки яқиндан суҳбатлашишни камайтиринг. Қўлларингизни совунлаб камида 20 секунд ишқалаб ювиб туринг.

Табиийки, сочиқ, санитария асбоблари ёки бошқа уй жиҳозларини бира яшайдиган инсонлар билан бўлишиб ишлатманг.

Агар бунинг ҳам имкони оз бўлса, масалан, умумий ҳожатхона ишлатилмаган бўлса, унда албатта, вирус юқтирган шахс охириги бўлиб фойдаланиши ва ундан кейин ювиши хонаси ёки ҳожатхона обдон тозаланиши керак.

Вирус юқтирган шахсларнинг чиқиндилари иккита целлофан халтага солиб, кейин ташланиши керак.

Кейин бу шахснинг чиқиндисини нима қилиш кераклигини мулозимлардан сўраб олинг.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йилнинг 16 март куни "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни имзоланди. Мазкур қонун, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни ҳар томонлама тартибга солишни илк бор қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон тарихидан ўрин олди. Чунки шу вақтгача бу соҳада қонунчилигимизда ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲАР ЎН ЙИЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5655-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Қонунни ишлаб чиқишда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа статистикалари конференциясининг аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича асосий тамойиллари ва тавсияларидан асос сифатида фойдаланилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Осиё ва Европа мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Озарбайжон, қозоғистон, Тожикистон, қирғизистон, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Канада ва бошқа давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибалари ўрганилиб, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Қонун бешта боб ва ўттиз бир моддadan иборат бўлиб, унда қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, аҳолини рўйхатга олишнинг вазифалари ва принциплари ёритиб берилган. Асосий

принциплардан бири сифатида даврийлик принципи, яъни аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши ҳамда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида, шахсга доир маълумотлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмаган рўйхатга олиш варақлари асосида ҳар бир респондент учун яқка тартибда тўлдирилади, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан уйма-уй юриб, ҳар бир респондент учун алоҳида тўлдирилади.

Яна бир муҳим принциплардан бири, бу шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги бўлиб, бунда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йиғилган шахсга доир маълумотлар махфий ҳисобланиши, улар респондентнинг розилигисиз ошкор этилмаслиги ва тарқатилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

**Б. СУЛТОНОВ,**

Туман статистика бўлими бошлиғи.

## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

### КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!

2021 йил сентябрь ойи якуни бўйича қуйидаги давлат статистика ҳисоботларини хато ва камчиликларсиз белгиланган муддатдан кечиктирмай Estat.4.0 дастури орқали электрон шаклда тақдим этишингизни сўраймиз:

1. "12-корхона шакли" (ойлик) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай.
2. "12-молия шакли" (ойлик) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 18-санасидан кечиктирмай.

Шунингдек, давлат статистика кузатувларини ўтказишда зарур бўлган давлат статистика ҳисоботларини белгиланган муддатларида тақдим этмаган, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатган юридик шахсларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 215-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирамиз.

**Мурожаат учун телефон: (74) 333-19-72**

Туман статистика бўлими.

### Меросхўрлар диққатига!

Туманимизда доимий яшаб, 1997 йил 18 июнь куни вафот этган марҳум **МАМАТОВА ГИМИЯ САЛИМЗЯНОВНА**нинг, туманимизда доимий яшаб, 2017 йил 6 апрель куни вафот этган марҳум **УРАЗОВ РАВШАН-БЕК ХУРИБАЕВИЧ**нинг, туманимизда доимий яшаб, 2012 йил 31 январь куни вафот этган марҳум **ЖУРАКУЛОВА КАМИЛЖОН**нинг мерос мулкларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддаси ва "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 49, 50, 51-моддаларига асосан мерос иши очилаётганлиги муносабати билан барча меросхўрлардан қариндошлик, кредиторлардан давво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан 1 (бир) ой муддат ичида Бўстон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус М. Муйдинов нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

### Донолар бисотидан

Икки нарса дилдаги ғам офати: дўст дийдори, донишманд киши суҳбати.

**Абу Шукур Балхий.**

Йигитлар учун - шарм-ҳаё ва баҳодирлик, кексалар учун - сабр ва маърифат яхшироқдир.

**Садый Шерозий.**

Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин!

**Муҳаммад Зеҳний.**

Кўрдимки, вақтини "эсиз", "қанийди", "кошки"лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

**Нажмиддин Кубро.**

«BO'STON»

Муассис:  
**Бўстон тумани**  
**ҲОКИМЛИГИ**

Мухаррир:  
**ОДИЛЖОН СУЛАЙМОНОВ**

Газета Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2008 йил 21 ноябрда 04-037 тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИРИЯТ  
МАНЗИЛИ:  
170400.

Бўстон шаҳарчаси,  
Мустақиллик кўчаси, 51-уй.  
Тел.: 333-10-71.

Газета таҳририятининг компьютер марказида терилди, саҳифаланди ва оригинал макет асосида «ANDIJON NASHRIYOT-MATBA'A» МЧЖ босмохонасида офсет усулида 100 алафда чоп этилди.  
Босмохона маняни: Андижон шаҳри,  
Навоий шохкўчаси, 71-уй.  
Нашр индекси: 64710. Бўризма: 0001034

**Навбатчи: С. ҲАЗРАТҚУЛОВ**

Босишга тошириш вақти: 15:00  
Тошириш вақти: 17:00  
**t - тижорат белгиси**  
Баҳоси келишилган нархда